

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссиясида 2022 йил I чорак яқунлари бўйича амалга
оширилган ишлар натижалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши. 2022 йил I чорак яқунлари бўйича бюджет смета харажатлари 648,2 млн. сўм (2021 йилнинг шу даврида 507,0 млн. сўм, 128,6%) миқдорида тасдиқланиб, тўлиқ молиялаштирилди ва маблағлар мақсадли ўзлаштирилди. ОАК бўйича иш ҳақи тасдиқланган смета харажатлари асосида 462,2 млн. сўм (362,7 млн. сўм, 127,4%) миқдорида молиялаштирилиб, тўловлар тўлиқ амалга оширилди. Иш ҳақи ва нафақалар бўйича тўловлар тўлиқ амалга оширилди.

2. Ҳажмий кўрсаткичларнинг бажарилиши. Илмий даражалар ва илмий унвонларда тасдиқлаш бўйича илмий-ташкилий чора тадбирлар амалга оширилиб, йил яқунлари бўйича самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланиб, жумладан ҳисобот даврида самарадорлик кўрсаткичларига нисбатан ўсиш суръатлари илмий даражалар бўйича 108 фоизни ва илмий унвонлар бўйича 106 фоизни ташкил этди.

3. Инвестиция дастурининг бажарилиши. Инвестиция дастури йўқ.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, кўрсатмалари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва топшириқларининг ижроси таъминланди, жумладан:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланиб (№13, 31.01.2022 й.), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Фармон билан тасдиқланган Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ташкил қилиш мақсадида ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ОАК ўз ваколати доирасида тааллуқлилиги бўйича, жумладан уруғчилик ва кўчат етиштириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш, соҳада фаолият кўрсатадиган илмий муассасалар ва уруғчилик хўжаликлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва экспертларни жалб қилиш бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда тегишли илмий-ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, Давлат дастурида белгиланган давлат органлари ходимлари ва аҳоли ўртасида ташкил этиладиган турли оммавий спорт тадбирларида имкониятдан келиб чиққан ҳолда ОАК ходимлари иштирокини таъминлаш бўйича ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш ишлари олиб борилмоқда.

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланиб (№4, 13.01.2022 й.), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда ОАК коррупцияга қарши курашиш ички назорат гуруҳи томонидан соҳага тегишли ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилди. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг "E-Anticor.uz" электрон рейтинг баҳолаш тизими платформасига ОАК фаолияти бўйича тегишли маълумотларни киритиш бўйича тайёргарлик ишларини ташкил этиш, шунингдек "E-Anticor.uz" электрон рейтинг баҳолаш тизими платформасига “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом” 1-илоvasи билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари” асосида ОАК маълумотларнинг тўлиқ ва сифатли киритилишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қарорда белгиланган вазифалар ижроси доирасида жорий йилнинг 28-29 март кунлари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва БМТнинг Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда "E-Anticor.uz" электрон рейтинг баҳолаш тизими платформасидан фойдаланиш бўйича ташкил этилган махсус онлайн семинарда ОАКда коррупцияга қарши курашиш ички назорат гуруҳи аъзолари иштироки таъминланди.

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 январдаги ПҚ-83-сон “Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси таъминланди. ОАК бўйича буйруқ имзоланиб (№5, 14.01.2022 й.), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Қарорда белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Қарор 11-банди ижроси, жумладан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига “Балиқчилик” ихтисослигини киритиш ишларини ташкил қилишга ОАК Бош илмий котиби (А.Шермухамедов) ва йўналиш бўйича бош инспекторлар (А.Хўжақулов, У.Абдурахманов) масъул этиб белгиланди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига “Балиқчилик” ихтисослигини киритиш масаласи ОАК Раёсати мажлисида муҳокама қилиниб, ОАК Раёсатининг 2022 йил 1 февралдаги 311/5-сон қарори билан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига “Балиқчилик” ихтисослиги киритилди ва ушбу ихтисослик бўйича қишлоқ хўжалиги фанлари, биология фанлари, ветеринария фанлари ва техника фанлари йўналишида илмий даражалар беришга рухсат берилди.

5. Бошқа устувор йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-123-сон “Давлат муассасаларини ислоҳ қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан буйруқ имзоланди (№16; 10.02.2022 й.) ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Қарорда белгиланган вазифалар ижроси доирасида ОАК расмий веб-сайтида “ОАК

АКТЖРМ” ДУК ҳақидаги маълумотлар, жумладан давлат муассасаси тўлик номи, фаолият тури, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилди ва ушбу маълумотларнинг доимий равишда янгиланиб борилиши таъминланмоқда.

Очиқ маълумотлар порталида фойдаланувчилар учун қўлай форматларда кўриш имкониятини яратган ҳолда муассасаларнинг юқори турувчи ташкилоти, кўчмас мулк объектлари, қурилиши тугалланмаган объектлар ва автотранспорт воситалари, режалаштирилган ва амалга оширилган харажатлар таркиби ҳақидаги ва бошқа маълумотларни (бунда тижорат сири мавжуд ёки чекланган ҳолда тарқатиладиган маълумотлар мустасно) эълон қилиш амалиёти жорий қилиниши маълумот ва ижро учун қабул қилинди. Ушбу топшириқ ижроси юзасидан ОАК веб-сайтида тегишли техник-дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда.

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 мартдаги 113-сон “Марракеш шартномасини (2013 йил 27 июнь, Марракеш) амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланди (№24, 14.03.2022 й.) ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро шартномага кўшилиш тўғрисида”ги 2022 йил 12 январдаги ПҚ-80-сон қарори 2-бандига мувофиқ Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги мазкур халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинди. Марракеш шартномасини (2013 йил 27 июнь, Марракеш) амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 10-банди ижроси юзасидан ОАК расмий веб-сайтини кўзи ожизлар учун мослаштирилган ҳолда интеграция қилиш механизмини жорий этиш бўйича тегишли дастурий техник тадбирлар амалга оширилди ва веб-сайтга махсус функциялар жорий этилди.

в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2022 йил 7 январдаги 05/2-21-сон топшириги ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланди (№1, 10.01.2022 й.) ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгашининг “Очиқлик индекси” мониторингини амалга ошириш графигига мувофиқ ОАК фаолияти очиклиги материалларини тайёрлаш ва фаолият очиклигини ўрганишга тайёргарлик кўриш юзасидан ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш Методикаси 2-иловаси билан тасдиқланган очиклик кўрсаткичлари асосида барча тегишли материаллар тайёрланди ва ОАК расмий веб-сайтига жойлаштирилди. 2022 йилнинг 10 мартда Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгашининг “Очиқлик индекси” мониторинги комиссиясига ОАК фаолиятининг очиклик кўрсаткичлари бўйича барча материаллар тақдим этилди.

2) *Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий мониторинги ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг баёнида (10.03.2022 й., 38-сон)* белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича буйруқ имзоланиб (№20; 11.03.2022 й.), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг мазкур баёни (10.03.2022 й., 38-сон) 4-илоvasи билан тасдиқланган “2022 йилда вазирлик ва идоралар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш Режаси” 6-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий таълимдан кейинги тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий мониторингини ўтказиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида уларга ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда (муддат 2022 йил IV чорак).

Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилиб, юқори ташкилотлардан келиб тушган ҳужжатлар ижроси тўлиқ таъминланди ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг барча мурожаатларига ўз вақтида жавоб берилди.

Ҳисобот даврида юқори ташкилотлардан **43** (77 та, 57,1%) та ҳужжат келиб тушиб, шу даврга белгиланган топшириқларнинг ижроси тўлиқ таъминланди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг **19** (84 та, 22,6%) та жумладан **2** (4 та, 50%) та оғзаки ҳамда **17** (80 та, 21,2%) та ёзма мурожаатлари ҳисобга олинди. Барча мурожаатларга ўз вақтида жавоб берилди.

6. Соҳа бўйича мавжуд камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар. *Мавжуд камчилик ва муаммолар:*

Мавжуд камчилик ва муаммолар: 1) ОАК фаолиятини такомиллаштириш ва айрим функцияларини жойларга бериш; 2) илмий унвонлар ва илмий даражаларда мустақил тасдиқлаш ҳуқуқини ОТМ/ИТМларга босқичма-босқич бериб бориш; 3) аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш.

Уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар: 1) ОАК фаолиятини такомиллаш-тириш бўйича тегишли топшириқлар ижросини таъминлаш; 2) диссертациялар сифати ва самарадорлигини янада ошириш ҳамда аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш юзасидан низом талабларига тўла риоя қилинишини ташкил қилиш.

2022 йилда амалга оширилиши режалаштирилган устувор вазифалар.

1) Аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш; 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, топшириқлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш.